

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Тошкент Давлат юридик институти**

Г. Носирхўжаева

**Этика
фанидан маъруза матни**

Тошкент-2011

1-мавзу. “Этика”нинг предмети.

1. “Этика” фани предмети ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ахлоқ ва ҳуқуқ муносабатлари.
3. Ижтимоий фанлар тизимида “Этика”нинг тутган ўрни.
4. Ахлоқнинг келиб чиқиши ва тараққиётининг хусусиятлари.
5. Ахлоқнинг таркибий тузилиши.
6. Ахлоқнинг бошқа ижтимоий онг шакллари билан алоқадорлиги.

Қадимги юнон файласуфи Аристотель ўз даврида мавжуд фанларни таърифларкан, уларни учта гуруҳга ажратади: назарий фанларга фалсафа, математика, физикани; ижодий фанларга санъат, бадий ҳунармандчиликни; амалий фанларга эса этика ва сиёсатни киритади. Шу тариқа Этика фалсафа доирасидан ажралиб чиқади ва мустақил фан сифатида шакллана бошлайди. Ҳозирги вақтда «Этика» ижтимоий-фалсафий фанлар тизимида ўзига хос ўринга эга бўлган фандир.

«Этика» (ахлоқшунослик)—ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, хусусиятлари, жамият тараққиётидаги ўрни ҳақидаги фандир. У бошқа ижтимоий фанлар сингари ўз қонунлари ва категорияларига эга бўлиб, улар орқали ўз хулосаларини баён қилади. «Ахлоқ» сўзи аслида арабча сўз бўлиб, хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия деган маъноларни англатади. Ҳозирги вақтда бу тушунча жамиятнинг ахлоқий ҳаётида юз берадиган барча жараёнларнинг мажмуини акс эттиради.

Жамиятнинг ахлоқий ҳаёти деб кишиларнинг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий фаолиятида, оиласида ва кундалик турмушида юзага келадиган ўзига хос муносабатлари шаклига айтилади.

Ахлоқ тушунчасини икки хил маънода кўриш мумкин: ахлоқ умумий тушунча сифатида этиканинг тадқиқот объектини англатса, яқка тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг ўзига хос кўринишини англатади.

Хусусан «одоб», «хулқ-атвор» маъноларида ҳам ишлатилади. Аслида «ахлоқ» ва «одоб» тушунчалари бир-биридан мазмун жиҳатидан фарқ қилади.

А. Шер «Ахлоқшунослик» китобида кўрсатишича, «Одоб-инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Ахлоқ эса–жамият, замон инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси¹.

Ахлоқ инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган принцип ва нормалар мажмуидир.

Ахлоқ ижтимоий ходиса сифатида инсоният жамияти вужудга келиши билан бир вақтда жамоалар билан шахслар ўртасидаги эҳтиёж ва манфаатларга хизмат қилувчи алоқа тарзида вужудга келиб, ўзининг тарихий тараққиётида:

- инсоннинг табиий хислатларини ўзгартирувчи, яратувчи фаолияти шаклида умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми;

¹ А. Шер. «Ахлоқшунослик». Т., 2000 й.

- жамиятда яшовчи ҳар бир шахсни ҳар томонлама камол топтирувчи маънавий-ижтимоий омил асосларидан бири;

- кишиларнинг ички туйғуларини, ҳиссиётларини ўстириб, умуминсоний моддий ва маънавий қадриятларини англаб етиш, уларни асраш ва келгуси авлодларга етказиб бериш йўлларида энг афзали;

- оила ва кундалик турмушда мавжуд бўлган оилавий бурч, ўзаро ҳурмат, садоқат, ор-номус каби анъаналарни наслдан-наслга, авлоддан-авлодга ўтказиш асосида давом эттириш воситаси;

- адолатли жамият қуриш ва унда бой-бадавлат, тинч-тотув, бахтли яшаш ғояси сифатида мунтазам равишда ривожланиб келган ва ривожланади.

Ахлоқнинг негизини жамиятнинг таркибий тузилиши, хусусан, ундаги мулкӣ муносабатлар, меҳнат тақсимоти, аҳолининг ёши ва уларнинг эҳтиёж ва манфаатлари белгилайди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосини хилма-хил шакллардаги мулклар ташкил этаётган бир вақтда, уни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;

- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

- ватанпарварликни ташкил қилади. Шубҳасизки, ана шу негизлар асосида Ўзбекистон халқларининг янгича мазмундаги маънавий-ахлоқий дунёси шаклланади ва қарор топади. Бу эса, ўз

навбатида халқимиз ахлоқининг негизини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ахлоқнинг жамият ҳаётида тутган ўрни у бажарадиган функциялар билан белгиланади.

Регулятив функцияси – ахлоқнинг асосий функцияси ҳисобланади. Регулятив функция шахс, хизмат жамоаси, давлат ва жамоат институтлари фаолиятини жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий нормалар асосида бошқариб туришни аниқлатади. Шу мақсадда бир қанча воситаларга таянади: ахлоқий принциплар, жамоатчилик фикри, ахлоқий авторитет, анъаналар, урф-одатлар ва ҳоказо. Ахлоқ нафақат алоҳида шахс, балки бутун жамиятнинг ҳам хулқ-атворини бошқаради.

Аксиологик функцияси (баҳолаш) – юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай ахлоқий хатти-ҳаракат у ёки бу қадриятлар системаси орқали баҳоланади. «Ахлоқий-ахлоқсиз», «яхши-ёмон» нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда хатти-ҳаракатлар, муносабатлар, мотивлар, қарашлар, шахсий сифатлар баҳоланади. Ахлоқ инсон томонидан қадриятларни ўзлаштириш, уларни ривожлантиришни ҳам назорат қилади.

Информацион (билиш) функцияси- ахлоқий билимлар ҳосил қилишга қаратилган бўлиб, ахлоқий принциплар, нормалар, кодекслар ижтимоий-ахлоқий қадриятлар ҳақидаги информация манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга одатий ва экстремал вазиятларда, конфликтли ва танг ҳолатларда ахлоқий танлов масаласига эътибор қаратилади. Демак, ахлоқ оламни, инсонни, унинг моҳиятини, ҳаётининг маъносини аниқлашга ёрдам беради.

Тарбиявий функцияси—ҳар қандай тарбия тизими – бу энг аввало ахлоқий тарбия тизими ҳисобланади. Ахлоқий тарбия ахлоқий норма, одат, анъана, умумий хулқ-атвор намуналарини аниқ ташкилий тизим ҳолига келтиради, ахлоқий билимларни ахлоқий ишонч-этиқодга айлантиради, конкрет вазиятларда ахлоқий билим ва ишонч-этиқодни қўллашда ижодий ёндашувга ўргатади. Демак, ахлоқ нафақат норма ва қоидаларга риоя қилишни, балки ўз-ўзини назорат қилишга ўргатади.

Шу ерда, ахлоқнинг алоҳида функцияларини ажратиш шартли характерга эга эканлигини қайд қилиш лозим. Чунки реал ҳаётда улар бир-бири билан уйғун ҳолда намоён бўлади. Ахлоқ бир вақтнинг ўзида бошқаради, тарбиялайди, йўналтиради ва ҳоказо.

“Этика”нинг бошқа ижтимоий-фалсафий фанлардан фарқи шундаки, у аксиологик хусусиятга эга. Яъни, ахлоқий билимлар инсоний муносабатлар ва ижтимоий воқелик ҳодисаларини баҳолаш асосида вужудга келади. Бу баҳолашнинг асосий мезони кишиларнинг «нима яхши-ю нима ёмонлиги» ҳақидаги тасаввурлари ҳисобланади. Бундай баҳолаш ҳам жамиятга, ҳам алоҳида шахсга хосдир. Шу тариқа ахлоқий қадриятлардан ижтимоий ва индивидуал тизимлар вужудга келади. Бу тизимлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳар бир инсонда турлича намоён бўлади. Шахс фаолиятида ижтимоий қадриятлар тизими устун бўлса, у ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этади, унинг дунёқарашида жамоатчилик тамойили устун бўлади. Аксинча бўлса, инсон ўзининг шахсий манфаатларини устун қўяди, дунёқарашида индивидуализм принципи устун бўлади.

Аслида ахлоқий идеаллар, тамойиллар ва нормалар кишиларнинг адолат, инсонийлик, эзгулик, ёвузлик, ижтимоий фаровонлик ҳақидаги тасаввурларидан келиб чиққан. Бу тасаввурларга мос келувчи хатти-ҳаракатлар ахлоқий деб, зид келадиган хатти-ҳаракатлар ахлоқсизлик деб эълон қилинган.

Бошқача қилиб айтганда, кишилар фикрича жамият ва шахс манфаатларига мос келадиган, инсонлар учун фойдали бўлган хатти-ҳаракатлар ахлоқийдир. Албатта, бу тасаввурлар тарихий тараққиёт давомида ўзгариб борган, турли синфлар, ижтимоий гуруҳларда турлича бўлган.

Хусусан ҳозирги вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари касб ахлоқида уч турдаги ахлоқий норма ва тамойиллар амал қилади:

1) ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари касб ахлоқининг асосий мазмунини умуминсоний ахлоқий нормалар ташкил қилади. Лекин уларнинг баъзилари, масалан; жасурлик, бурчга содиқлик, адолатпарварлик асосий аҳамиятга эга бўлади.

2) бу ерда яна фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига хос ахлоқий норма ва принциплар амал қилади. Масалан, маълумотларнинг сир сақланиши, бошлиқлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги ўзига хос муносабатлар ва шу кабилар.

3) Шу билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг фақат у ёки бу хизматига тааллуқли бўлган ахлоқий норма ва принциплардир. Мисол тариқасида фуқаролар билан ишлаш жараёнида қўлланадиган оператив хатти-ҳаракатлар қоидалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларига конфиденциал ёрдам берган фуқароларнинг сирини сақлаш ва ҳоказо. Бу қоидалар шакл жиҳатидан умуминсоний

қоидалардан фарқ қилиши мумкин, лекин ўзининг ахлоқий мазмунини сақлаб қолади.

Хулоса қилиб айтсак бўладики, ахлоқ ижтимоий-тарихий характерга эга. Шу билан бирга у касбий хусусиятга ҳам эга.

Жамият маънавий ҳаётининг бир-бири билан боғлиқ бўлган икки соҳаси- ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўхшаш ва фарқли томонлари масаласи ҳозирги кунда айниқса долзарб ҳисобланади.

Шахснинг маънавий дунёси, онги ва маданияти шаклланишида ахлоқ ва ҳуқуқ алоҳида ўринга эга. Чунки улар ижтимоий муносабатлар тизими тараққиётига таъсир кўрсатадиган, шу орқали шахс онгини ривожлантирадиган муҳим ижтимоий бошқарувчи ҳисобланади.

Ахлоқ ва ҳуқуқ - инсон муносабатининг ўзаро алоқадорликда бўлган муҳим элементларидир. Уларнинг табиати жамиятдаги конкрет тарихий шароит, социал-синфий структурага боғлиқ бўлади. Демократик фуқаролик жамиятида ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро алоқадорлиги қуйидаги қонуният туфайли объективлашади – умумхалқ ҳуқуқининг ахлоқий потенциали, қонунчиликнинг ахлоқий асослари ўсиб боради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ахлоқ - инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган принцип ва нормалар мажмуидир.

Шундай қилиб, ҳуқуқ – нафақат сиёсий-юримдик, балки ижтимоий-ахлоқий ходиса. Жамиятнинг ҳуқуқий ҳаёти

инсонпарварлик, адолат, виждон ва бурч, ор-номус, эркинлик ва масъулият каби ахлоқий ходисаларсиз ривожлана олмайди.

Ахлоқ ва ҳуқуқ муносабатларига қадим даврлардан мутафаккирлар ўз эътиборини қаратганлар. Суқрот, Афлотун, Арасту ҳуқуқий мафқурани ишлаб чиқар экан, Этикани қонунчилик билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Рим юристлари: «ҳуқуқ урф-одатлар маъқуллаган нарсаларни тавсия қилади» деган постулатни илгари сурганлар.

Янги даврда ахлоқ ва ҳуқуқ узвий боғлиқликда олиб қаралган, ҳатто Гельвеций: ««Этика» ва «Қонуншунослик»ни мен битта фан деб тушунаман»², -деб ёзади.

Немис классик фалсафаси намояндалари ҳам ахлоқ ва ҳуқуқ муносабатларига ўз эътиборларини қаратишган. Кант ҳуқуқ ахлоққа бўйсунди деб ҳисоблаган. Гегель фикрича, ахлоқ ва ҳуқуқ бир-бирини тақозо қилади, фарқи шундаки, ахлоқ ташқаридан бўладиган мажбурийликка йўл қўймайди.

Аслида, ҳуқуқ инсон хатти-ҳаракатини бошқариш шакли сифатида тарихий тараққиётнинг муайян босқичида, ахлоқ нормаларидан келиб чиқади. Ҳуқуқ ўз тараққиётининг турли босқичларида ахлоқ билан деярли уйғун бўлган. Фақат вақт ўтиши билан ёзма ва шаклланган қонунчиликка айланган. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқ ўз ичига ахлоқийликни қамраб олади.

Ахлоқ ва ҳуқуқнинг муносабати қуйидагиларга намоён бўлади:


- 1) бирлиги ва ўхшашлигида;
- 2) фарқли томонларида;

² Гельвеций К.А. Об уме.-М, 1992. –С.156.

3) ўзаро таъсирида.

Ахлоқ ва ҳуқуқ ижтимоий онг шакллари сифатида умумий ижтимоий функцияни бажаради; инсоннинг жамиятдаги фаолиятини бошқаради, норматив хусусиятга эга ва фуқаролар бу норма ва принципларга амал қиладилар. Бу норма ва принциплар умумий характерга эга ва жамиятнинг барча аъзоларига тааллуқлидир.

Ахлоқ ва ҳуқуқнинг умумий томонлари



Шу билан биргаликда ахлоқ ва ҳуқуқ бир қанча фарқли томонларга ҳам эга. Бу фарқлар қуйидагиларда намоён бўлади:

Ахлоқ ва ҳуқуқнинг фарқлари

Ахлоқ	Ҳуқуқ
Нормалар ёзма характерга эга эмас, урф-одат ва анъаналарда белгиланади.	Нормалар аниқ формал характерга эга расмий хужжатларда белгилаб берилади.
↓	↓
Нормалар объектив равишда келиб чиқади.	Нормалар давлат томонидан ўрнатилади.
↓	↓
Амал қилишини таъминлаш механизми-жамоатчилик фикри	Амал қилишини таъминлаш механизми-давлат органларининг санкцияси.
↓	↓
Ихтиёр эркинлиги мавжуд.	Ихтиёр эркинлиги норматив хужжатлар билан қатъий чегарланади.

Ахлоқ ва ҳуқуқ ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи ходисалар ҳисобланади:

1) Ахлоқ ва ҳуқуқ, барча фуқароларнинг манфаатлари, интилишлари ва иродасини ифодалайди;

2) Шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштиради;

3) Миллий ва мулкый ҳолатидан қатъи назар ҳар бир фуқарога тенг талабни қўяди;

4) Ахлоқдаги тенглик принципи кишиларнинг қонун олдидаги тенг ҳуқуқли эканига мос келади;

5) Ҳуқуқ атворни баҳолаш учун бир хил мезонларни илгари суради: адолатпарварлик, инсоннинг табиий ҳуқуқларини фуқаролик ва сиёсий эркинлигини ҳурмат қилиш:

6) Ахлоқ ишонтириш методига асосланади, бу метод ҳуқуқда ҳам асосий метод ҳисобланади;

Демак ахлоқ ва ҳуқуқ бир-бири билан узвий боғлиқ, бири иккинчисига таъсир кўрсатадиган ходисадир.

«Этика» фани юқорида баён қилинган муаммолар билан шуғулланар экан, тараққий этиб боради. Этика ҳозирги вақтда бир қанча соҳаларга бўлиниб, ҳар бир соҳаси муайян муаммолар билан шуғулланади.

1) Умумий этика назарияси-ахлоқ, унинг табиати, моҳияти, хусусияти, таркибий қисмлари, унинг жамият тараққиётида тутган ўрнини ўрганади.

2) Тарихий этика ахлоқнинг келиб чиқишини, унинг тарихий тараққиёт қонунларини, ҳар хил ахлоқий назарияларнинг тарихдаги ўрнини, ривожланиш босқичларини ўрганади.

3) Норматив қадриятлар этикаси аниқ ахлоқ нормаларини, ахлоқий мажбурийлик талабларини, ахлоқий мерос сифатида шаклланиб авлоддан авлодга ўтиб келаётган ахлоқий қадриятлар тизимини ўрганади.

4) Касб этикаси- ҳар бир касб-ҳунарга хос ахлоқий норма, принцип ва сифатларни ўрганади ва ҳаётга татбиқ этади.

5) Ахлоқий тарбия назарияси-ахлоқнинг жамият талаби, эҳтиёжи ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уни ҳаётга татбиқ этишнинг восита ва услубларини ўрганади.

“Этика”нинг таркибий қисмлари (соҳалари) узвий боғлиқликда бўлиб, бир-бирини тақозо этади ва тўлдириб туради.

“Этика” бошқа ижтимоий-фалсафий фанлар тизимида ўзига хос ўринга эга. “Этика”нинг “Эстетика” билан муносабати айниқса ўзига хос. Чунки инсон бирор бир фаолиятни амалга оширар экан, муайян нуқтаи назар, яхшилик ёки ёмонлик (ахлоқ) ва гўзаллик ёки хунуқлик (нафосат) нуқтаи назаридан иш кўради. Яъни ички гўзаллик ва ташқи гўзаллик уйғунлигига эътибор қаратади. Шу билан бирга, санъат эстетиканинг асосий тадқиқот объектларидан ҳисобланади. Ҳар бир санъат асарида ахлоқий – тарбиявий жиҳатдан муҳим бўлган ғоялар илгари сурилади ва санъаткор бадиий образлар орқали ахлоқий идеалларни яратади.

“Этика”, шунингдек, “Педагогика” фани билан узвий алоқадорликда ривожланиб боради. Комил инсонни шакллантириш, таълим бериш жараёнларини тарбиявий жараёнларсиз, «Одобнома» дарсларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли “Этика” “Педагогика”нинг асоси ҳисобланади. Этика «Психология» фани билан алоқадор. “Психология” у ёки бу хатти-ҳаракат, феъл-атвор сабабларининг руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиб беради, «Этика» эса «Психология» тадқиқ этган ҳодисаларнинг

ахлоқий аҳамиятини тушунтиради деб кўрсатиб ўтилади А. Шернинг «Ахлоқшунослик» китобида.

“Этика” билан “Социология” инсон фаолиятини бошқаришнинг ўзига хос шакли бўлган ахлоқни ўрганadi. “Социология” инсонларнинг оммавий хатти-ҳаракати ва уларнинг қонуниятларини фақат муайян ижтимоий тузум доирасидагина тадқиқ этади. “Этика” эса муайян ижтимоий тузум ёки давр доирасидан чиқиб, келгуси даврлар учун ҳам тарихий ва ахлоқий аҳамият касб этган шахсий, истисноли хатти-ҳаракатларни ҳамда уларнинг сабабларини ўрганadi.

“Этика”нинг “Политология” билан муносабати ҳам ўзига хос. «Сиёсий кураш қарама-қарши ахлоқий қоидалар курашини тақозо этади. Шахсий интилишлар билан давлат (жамият) манфаатларининг мослиги, мақсадлар ва воситаларнинг пок ёки нопоклиги муаммолари ўртага чиқади» деб таъкидлайди А.Шер. Сиёсат қанчалик ахлоқийлик касб этса, шунчалик оқилона бўлади.

XX аср ўрталарига келиб “Этика”нинг “Экология” билан алоқадорлиги кучайди. Чунки вужудга келган экологик танглик вазияти инсоннинг табиатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш заруратини келтириб чиқарди. Эндиликда глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш инсоннинг табиатга нисбатан ижтимоий-ахлоқий муносабатига боғлиқ бўлиб қолди. Ахлоқий баҳолаш ва бошқариш объекти табиатнинг ўзи эмас, балки инсоннинг табиатга бўлган муносабати бўлиши керак.

Кўриб турганимиздек, “Этика”нинг жамият тараққиётидаги ўрни тобора ортиб бормoқда. Мамлакатимиз мустақилликка

эришгандан сўнг “Этика” янгиланаётган жамиятда тобора ўз юксак мавқеини эгаллайди. “Этика” олдида янги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ахлоқий даражасига масъуллик вазифаси ва комил инсон тарбиясини назарий асослаш вазифаси турибди. Бу вазифани фақатгина ахлоққа янгича ёндашувлар асосида амалга оширса бўлади.

Кўп асрлар давомида, антик даврлардан бошлаб мутафаккирлар ахлоқ ҳақида жуда кўп асарлар ёздилар. Улар ахлоқнинг моҳиятини тушунишга, тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Ўтган узок тарихий тараққиёт даврида ахлоқ қуйидагича талқин қилиб келинди:

- кундалик ҳаёт ақлий тажрибаси;
- индивиднинг ўз хулқ-атворидан қониқиши;
- бурчга садоқат рамзи;
- ижтимоий стабиллик ва тартибни сақлаш воситаси;
- ижтимоий фойдани талаб қилувчи ижтимоий ҳодиса;
- жамиятда адолатни қарор топтирувчи восита;
- инсонларнинг ўзаро ҳамжихатлигини таъминловчи восита;
- виждон овозига бўйсундирувчи восита;
- инсон ҳаётининг олий маъносини англаш йўли.

Ҳар бир инсон ўзининг бутун умри давомида ўзининг қадриятлар тизимини, ўзининг хулқ-атвор, ёмонлик ва яхшилик, бахт, адолат ва бошқа ахлоқий категориялар ҳақидаги тасаввурларини такомиллаштириб боради.

Инсоният тарихида ахлоқий тараққиёт бўлган ва у давом этиб келмоқда. Бу давом этиш қатъий тадрижийликка эга эмас. У гоҳо сусайиш, баъзан эса бироз ортга чекиниш, баъзан бир қанча муддат турғун туриш хусусиятларига эгадир. Лекин катта даврлар ва тарихий оралиқларни олиб қарайдиган бўлсак, ахлоқий тараққиётнинг мавжуд эканига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Мустабид тузумлар ва шахслар келтириб чиқарган ахлоқий таназзуллар ҳаммаси қисқа муддатли ҳамда ўткинчи ҳодисалардир. Зеро инсоннинг асосий моҳияти ўзини ва ўз жамиятини тараққий эттириб бориш билан белгиланади. Ахлоқ эса ана шу тараққиётдан ҳеч қачон четда турмайди.

Инсондаги ихтиёр эркинлиги зарурият талаби билан оқилона, ақлга бўйсундирилган равишда чекланади, яъни нисбийлашади. Акс ҳолда, муайян бир, бир неча инсон ёки гуруҳнинг бетийиқ, эркин ихтиёри на фақат бошқа инсонлар ва гуруҳлар, балки наботот, ҳайвонот олами, бутун дунё учун фожеага айланиши мумкин. Ихтиёр эркинлигини бундай чеклашнинг, ақлга бўйсундиришнинг асосий воситаси ахлоқдир.

Ихтиёр эркинлиги туфайли инсон ҳар қадамда ахлоқий танлов муаммосига дуч келади. Бу муаммо кишида масъулият ҳисси мавжудлигидан далолат беради. Масъулиятни, ўзгалар ва ўз виждони олдида жавобгарликни сезмаган киши хоҳлаган ишга қўл уриши мумкин – уни ўз қилмишининг оқибати қизиқтирмайди, у фақат манфаат устиворлигини тан олади, холос.

Ундай одамни ахлоқсиз деб атайдилар. Зеро инсон ё эзгуликни, ё ёвузликни танлаши туфайли ниманидир ихтиёр этади: ахлоқий

танлов – ҳар бир хатти-ҳаракат, ҳар бир қилмишнинг ибтидо нуқтаси. Умуман инсон ва жамият ахлоқий ҳаётида танловнинг аҳамияти беқиёс.

Дастлабки ахлоқий қонун-қоидалар ана шу танловни рўёбга чиқаришга, яна ҳам аниқроқ айтганда, уни осонроқ амалга оширишга хизмат қилган. Илк ахлоқий қоида «ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқага ҳам раво кўрма» мазмунида дунёга келган. Унинг ҳозирги замондаги ўзбекчаси «пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса ўзгага ур», “ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил” каби мақолларда акс этган. “Ахлоқнинг олтин қоидаси” деб аталган ушбу қоида, бизнингча, энг қадимий ахлоқий талаблардандир. Зеро хун олиш талаби кейинроқ пайдо бўлган ва инсоннинг асл моҳиятига тўғри келмайдиган қоидалардан. Дастлабки ахлоқий қонун-қоидалар муқаддас китобларда ўз аксини топган зўравонликка зўравонлик билан жавоб бермаслик тамойили асосида яратилган.

Ана шу, инсон ахлоқий ҳаётининг асоси бўлган қонун-қоидалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Одамлар уларни оғир мажбурият деб билмасдан, дил-дилдан бажарадиган замоннинг тезроқ келиши учун тинмай ҳаракат қилишлари ахлоқий тараққиётдан далолатдир.

Ахлоқнинг таркибий тузилиши мураккаб бўлиб, қуйидаги элементлардан иборат:

-ахлоқий амалиёт-ахлоқнинг муҳим ва белгиловчи компоненти бўлиб, инсоннинг хатти-ҳаракатлари орқали намоён бўлади. Фақат инсон хулқ-атворининг хатти-ҳаракатларда намоён бўлиш орқалигина унинг ахлоқийлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Инсоннинг фаолияти, инсон томонидан ахлоқ нормалари ва принципларининг амалиётга татбиқ қилиши унинг ахлоқий тарбияси, ахлоқий маданиятининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир фаолиятда аниқ бир мақсадни кўзлаб, тегишли воситалар, усуллар орқали ҳаракат қилинади ва маълум натижаларга эришилади. Ҳар қандай мақсад албатта ахлоқий мазмунга эга бўлади. Бу мақсадлар маълум воситалар ахлоқий мазмунига кўра, қўлланилиши мумкин бўлган ёки мумкин бўлмаган воситаларга ажратилиши мумкин.

Мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси – юридик этиканинг муҳим масаласидир. Ҳозирги замон жиноят жараёнида мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси муайян ҳуқуқий ва ахлоқий асосда ҳал этилади. Этикада «мақсад воситани оқлайди принципи, эзгу мақсад йўлида ҳар қандай воситаларни қўллаш мумкин» – деган фикр инкор этилади. **Мақсад қанчалик эзгу бўлмасин, воситалар ҳам ахлоқий чегарада бўлиши даркор. Жиноят жараёнида қўлланиладиган воситалар қонунга кўра рухсат этилган бўлиши, ахлоқий бўлиши зарур.**

Терговчи ўз фаолиятида уч турдаги қоидаларга амал қилади: **процессуал нормалар** терговчи тергов жараёнида нима қилиши, қандай шакл ва тартибда қилинишини кўрсатади. **Криминалистика** ишлаб чиқадиган тавсиялар жиноятни тез ва тўлиқ очиш ва айбдорларни топишга ёрдам беради. **Ахлоқий нормалар** ахлоқ нуқтаи назаридан тергов қилишнинг у ёки бу йўллари қанчалик қўлланиши мумкин эканлигини баҳолаш имкониятини беради.

Терговчи дастлабки тергов вазифаларини бажариш, ўзининг профессионал вазифасини бажариш учун ахлоқий жиҳатдан шахсан масъулдир. Терговчи фаолияти унинг спецификасини инкор этмаган ҳолда, айтишимиз керакки, бутун жамият учун умумий бўлган ахлоқий нормаларга бўйсунмасдан иложи йўқ.

Баъзи бир омилларнинг терговчи фаолиятига хос махсус ахлоқий қоидалар умумий ахлоқий қоидаларни тўлдириши билан бирга, баъзи ҳолларда уларни чегаралайди, деган фикрларга эътироз билдирмай иложимиз йўқ. Терговчи фаолиятида ахлоқ нормалари ва принципларидан четга чиқишга асло йўл қўйиб бўлмайди. Қонун ҳам, жамият ахлоқий онги ҳам, тергов амалиёти эҳтиёжлари ҳам бундай хулоса чиқаришга асос бўлолмайди. Аксинча, терговчи фаолиятига юқори ахлоқий талаблар қўйилиши лозим.

Рус олими А.Ратинов ўз вақтида, терговни «кураш жараёни», деб қарашни таклиф этганди. Унинг тавсияларига мувофиқ, «руҳий қопқонлар» қўйиш, жиноят иштирокчилари ўртасида конфликт келтириб чиқариш кабилар тергов методлари сифатида таклиф этилади. Биз фақат уларни қўллашда жуда эҳтиёткорлик зарурлигини, уларнинг баъзилари «ёлғон чегарасида», «провокация чегарасида» эканлигини таъкидлашимиз зарур бўлади. М.С.Строгович фикрича, терговчи терговга объектив ёндашиши, айбланувчи айбини оғирлаштирувчи, уни оқловчи, айбини юмшатувчи ҳолатларни ҳам тўлиқ ўрганиши лозим. Терговнинг ахлоқий муҳити терговни олиб боровчи шахснинг ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга қанчалик амал қилишига боғлиқ. Ҳақиқатни излашдаги фаоллик ва принципиаллик, объективлик ва холислик, инсонийлик, адолат, ҳақгўйлик,

хушмуомалалик, қонунийлик, ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ манфаатларини ҳисобга олиш – терговчи фаолиятига қўйиладиган муҳим ахлоқий талаблар ҳисобланади.

Терговчи ҳар қандай шахсга нисбатан – хавфли жиноятчи бўладими, оддий жанжалкаш бўладими, рецидивист ёки маиший безори бўладими, жабрланувчи бўладими ундан қатъи назар, вазминлик, босиқлик, хотиржамлик намоён қилиши керак. Эмоционал ва ақлий вазият қанчалик кескин бўлмасин, қанчалик оғир бўлмасин, қотил, зўравон, ўғрига нисбатан нафратини ошқор қилмаслиги, шунингдек, қандай мақсад ва сабаблар бўлмасин, кўрқитиш, қўполлик, ёлғон ишлатмаслиги зарур³.

Ахлоқий муносабатлар - ижтимоий муносабатларнинг кўриниши сифатида инсонлар томонидан ахлоқий (ахлоқсиз) хатти-ҳаракатларни содир этиш жараёнида вужудга келади. Ахлоқий муносабатларнинг объектив ва субъектив томони мавжуд. Субъектив томони - бу инсоннинг қизиқишлари, ҳиссиётлари. Объектив томони эса - инсон учун императив характерга эга бўлган нормалар, идеаллар, урф-одатлар, анъаналар ва бошқа ижтимоий факторлар ҳисобланади.

Кишилар ахлоқий муносабатга киришар эканлар, ўз зиммаларига муайян ахлоқий мажбуриятларни оладилар ва муайян ахлоқий ҳуқуқларга эга бўладилар.

Ахлоқий муносабатларнинг шаклланган тизими мавжудлиги ижтимоий гуруҳ (хизмат жамоаси)да мўътадил ахлоқий руҳий

³ Кокорев Л.Д, Котов Д.П. Этика уголовного процесса. Учебное пособие. Воронеж, 1993, 46-бет

иқлимни белгилайди. Хизмат жамоаларидаги ахлоқий муносабатлар 3 даражага бўлинади:

1) бошлиқлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар;

2) ҳамкасблар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар;

3) фуқаролар билан бўладиган ахлоқий муносабатлар;

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш таркибига кирган ҳар бир идорада бу муносабатлар ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ахлоқий муносабатлари бевосита уларнинг ҳуқуқий муносабатларида намоён бўлади. Бу бирлик ахлоқ ва ҳуқуқнинг, шахс билан жамият, давлат ўртасидаги ўзаро манфаатлар нисбатини тўғри белгилаши ахлоқий муносабатлар ҳамда ҳуқуқий муносабатларнинг тенглик принципи ўртасида уйғунликни таъминлаган ҳолда, барчага нисбатан бир хил талаблар қўйилишида, ҳар бир фуқаронинг хулқ-атворини баҳолашда асосий мезон - адолат принципининг талаблари асосида ёндашишида; ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиянинг ишонтириш усулидан кенг фойдаланилишида яққол кўринади.

Шу билан бирга ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар ўртасида фарқли томонлар ҳам мавжуддир.

1) юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан, ахлоқий муносабатлар эса жамоатчилик томонидан эътироф этилади ва ўрнатилади;

2) ҳуқуқий муносабатлар давлатнинг мажбурлов томонидан қўриқланади, ахлоқий муносабатлар эса ҳар бир инсоннинг ички

этиқоди, иймони ҳамда жамоатчилик таъсир кучи томонидан муҳофаза қилинади.

3) Ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан чиқарилган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз аксини топса, ахлоқий муносабатлар эса «ёзилмаган қонунлар» шаклида бўлади.

4) Ҳуқуқий муносабатлар қонунда белгиланган ҳуқуқ ва бурчлар орқали бошқарилади, ахлоқий муносабатлар эса умуминсоний қадриятлар асосида тартибга солинади.

5) Ҳуқуқий муносабатларни бузганлик учун давлат мажбурлов чоралари кўрилса, ахлоқий муносабатларни бузганлик учун жамоат таъсири кўрсатилади.

Ахлоқий муносабатлар ва ҳуқуқий муносабатлар узвий бирликда бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради. Бу бирлик ахлоқий муносабатлар талабининг ҳуқуқда ўз аксини топганлигида ва ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларнинг ахлоқий мазмун касб этишида намоён бўлади деб таъкидлайди Н.Э. Муҳаммадиев «Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти» китобида (Т, 1998 й 20-21 бетлар).

Ахлоқий онг - ўз ичига ахлоқий амалиёт ва ахлоқий муносабатларга таъсир кўрсатувчи билимлар, қарашлар, ҳиссиётлар, норма, принципларни қамраб олади. Шу билан бирга уят, виждон азоби, ўз хатти-ҳаракатидан ачиниш ёки қониқиш, ҳақлигини англаш каби ахлоқий ҳиссиётларни уйғотувчи ахлоқий ўз-ўзини англаш ва ахлоқий ўз-ўзини баҳолашни қамраб олади.

Ахлоқий онг аксиологик хусусиятга эга, чунки ҳар бир ҳодисага муайян ахлоқий норма, принцип, анъана, қадрият, идеаллар нуқтаи назаридан ёндашади.

Ахлоқий онг ижтимоий тараққиёт жараёнида кишиларнинг ижтимоий ҳаётлари ва ижтимоий муносабатларини бошқариш эҳтиёжи туфайли келиб чиқади.

Ахлоқий онг воқеликни инъикос эттирар экан, бошқа ижтимоий онг шакллари сингари ҳақиқий ёки аксинча бўлиши мумкин. Унинг ҳам ҳақиқатлиги мезони ижтимоий практика ҳисобланади. Шу билан бирга ахлоқий онгнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

1) Ахлоқий онг бошқа ижтимоий онг шаклларига нисбатан кишиларнинг кундалик ҳаётидаги хулқ-атвориға фаолроқ таъсир кўрсатади. Ахлоқий қарашлар, принциплар, идеаллар инсон фаолиятиға бевосита сингиб кетган бўлиб, хатти-ҳаракатға ундовчи мотивлар ҳисобланади.

2) Фандан фарқли равишда, ахлоқий онг инсонға кундалик онг, ижтимоий руҳият даражасида таъсир кўрсатади. Фақат юқори даражада ахлоқий онг илмий билим хусусиятлариға эга бўлади, ахлоқий қарашлар ва идеаллар назарий билимларға айланади.

3) Ахлоқий онг, ахлоқий билимлар мажбурий характерға эга (императив характерға эга).

Ахлоқий онг икки ажралмас қисмдан иборат:

-индивидуал ахлоқий онг,

-ижтимоий ахлоқий онг,

Индивидуал ахлоқий онг таркибига шахсинг ҳис-туйғуси, фикр- мулоҳазаси киради, ижтимоий ахлоқий онг таркибига жамият

томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этиладиган ахлоқий кодекслар, категориялар, нормалар, принциплар, ғоялар ва ҳоказолар киради.

Ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири сифатида жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди ва бошқа ижтимоий онг шакллари билан узвий алоқадорликда ривожланиб боради.

Масалан, ахлоқ билан дин алоқадорлиги масаласида шунини айтиш мумкинки, моҳиятан дин инсон ҳаётининг ахлоқийлигини тақозо қилади. Шу боис диний – шаръий тамойиллар ва меъёрлар, ҳадиси шарифдаги ўғитлар ахлоқ-одоб қоидалари билан чамбарчас боғлиқ. Чунинчун, инсон энг олий қадрият сифатида қатъий муҳофаза этилади. Дин инсонни ахлоқийлаштиришнинг воситаси сифатида иш кўради. Демак, диний тақво билан ахлоқий талабнинг илдизи бир хил.

Муайян жамиятдаги ҳуқуқий қонун-қоидалар ўша минтақа халқи томонидан асрлар мобайнида ишлаб чиқилган ахлоқий қоидалар, тамойиллар, меъёрлар, шунингдек, нисбатан умумий хусусиятга эга бўлган урф-одатлар замирида вужудга келади. Ҳуқуқий қонунлар мавжуд тузумга, муайян шахс ва ёш доирасидаги кишиларга тадбиқ этилса, ахлоқий қоидалар, ҳикматлар, панд-ўғитлар барча тузумлар ҳамда турли ёшдаги кишиларга тааллуқли бўлади.

Ахлоқ билан санъатнинг ўзаро алоқалари ҳам жуда қадимий. Ҳар бир ҳақиқий санъат асарида асосий зиддият эзгулик билан ёвузликнинг кураши инъикос этади, инсонпарварлик, ҳақиқатгўйлик, тўғрилиқ, адолат, муҳаббат, садоқат сингари фазилатлар тараннум этилади, тақдир, ўлим ва ўлмаслик, ҳаётнинг мазмуни, бахтга

эришиш сингари муаммолар ўртага ташланади. Ахлоқий идеал муаммоси ҳар бир бадиий асарда илгари сурилади.

Умуман олганда, ахлоқсиз бадиий асарнинг бўлиши мумкин эмас, барча санъат асарлари учун ахлоқийлик умумий замин аҳамиятига эга.

Бундан ташқари санъат ахлоқшунослик тарғиботчиси, ахлоқий тарбиянинг энг қулай воситаси сифатида ҳам намоён бўлади. Чунончи, бадиий адабиётнинг, кино санъати, тасвирий санъат ва театр санъатининг, айниқса, бу борада аҳамияти беқиёс. Бу санъат турлари ёшларда ахлоқий идеални шакллантиришда катта хизмат қилади. Ахлоқнинг фан билан ўзаро алоқадорлиги масаласи ҳам муҳим.

Айниқса, ахлоқнинг ижтимоий фанлар билан алоқаси ўзига хосдир. Чунончи, кўпгина илмий қарашлар, назариялар инсонни бевосита ёки билвосита юксак ахлоқ эгаси, донишманд ва ҳалол инсон бўлишга чақиради.

Лекин айрим назариялар ҳам борки, уларни ахлоқсиз деб аташ ўринли. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, машҳур “Мальтус назарияси”. Инглиз иқтисодиёт назарийчиси Мальтус(1766-1834)илгари сурган ғояга кўра, аҳоли геометрик прогрессияга, истеъмол маҳсулотлари арифметик прогрессияга мувофиқ ривожланади. Аҳоли ўсиб бориб, ер юзида қашшоқлик, озиқ-овқат етишмовчилиги вужудга келади. Шу боис урушлар олиб бориш табиий ҳол сифатида ўзини оқлайди. Мальтус бу ўринда урушни тарғиб қилиш билан ахлоқсизликнинг энг юксак кўринишини намоён этмоқда.

Маълумки, барча фанлар, хусусан, табиий фанлар ҳар бири ўз соҳасида ҳақиқатнинг аён бўлишига хизмат қилади. Ахлоқнинг пировард натижаси эса инсонни ҳақиқатга олиб бориш, уни комил мавжудот қилиб тарбиялашдир. Ана шу нуқтада ахлоқ ва фан билвосита муносабатга киришади. Айни пайтда илм-фанда эришилган оламшумул ютуқлар инсоният жамияти олдида янги-янги ахлоқий вазифалар ва муаммоларни қўяди. Чунончи, сўнги пайтларда фан-техника тараққиётининг юксак даражаси ва экологик бухронларнинг юзага чиқиши сабабли экологик ахлоқшунослик сингари ахлоқ оламининг янги йўналишлари вужудга келди; ноосферадан ёки бошқача айтганда техносферадан этосферага – ахлоқий муҳитга ўтиш зарурати инсоният жамияти ахлоқий маданияти олдидаги энг долзарб вазифа сифатида қўйилмоқда. Шу боис техникавий фанлар тараққиётининг навбатдаги босқичлари фақат ахлоқ талабларига мос, таъбир жоиз бўлса, ахлоқий назорат остида амалга ошмоғи лозим.

Ахлоқ мазкур ижтимоий ҳодисалар марказида туради. У нафақат марказий ижтимоий ҳодиса, балки бошқа ижтимоий ҳодисаларни ҳаракатлантирувчи маънавий куч сифатида намоён бўлади. Уни четлаб ўтишга интилиш ҳар қандай мафкурани таназзулга олиб боради, жамиятни том маънодаги маънавиятдан маҳрум этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Президент Ислам Каримовнинг: “Аслини олганда, ахлоқ- маънавиятнинг ўзаги”, деган сўзлари юқоридаги фикрларимиз учун табиий хулоса бўлиб жаранглайди. Дарҳақиқат, ахлоқ маънавият тизимидаги энг таъсирчан, энг бақувват ҳалқа, усиз одамзот маънавиятини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Таянч тушунчалар: Этика, ахлоқ, одоб, ҳулқ-атвор, назарий этика, норматив этика, амалий этика, юридик этика, комил инсон, регулятив функция, аксиологик функция, информация функция, тарбиявий функция, ахлоқ ва ҳуқуқ.

Ахлоқнинг олтин қоидаси, ахлоқий рационализм, эвдемонизм, гедонизм, ахлоқий интеллектуализм, ахлоқий сентиментализм, ахлоқий абсолютизм, ахлоқий релятивизм.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. “Адолат – қонун устуворлигида”, “Халқ сўзи” газетаси, 2001 йил 30 август.
2. Шер А. “Ахлоқшунослик”. Т.: 2000.
3. “Этика”. Под.ред. А.А. Гусейнова и Е.Л. Дубко. – М.: 1999
4. Кобликов А.С. “Юридическая этика”. – М.: 2003.
5. Кондрашов В.А., Чичина Е.А. Этика. Эстетика. Учебное пособие для ВУЗов. Ростов на Дону, 1998.
6. Вохидова Д., Носирхўжаева Г. “Этика” – Т., ТДЮИ – 2003.
7. Ахлоқ ва одобга оид ҳадис наъмуналари. Т. «Фан», 1990.
8. Носирхўжаева Г. Этика. Эстетика. Т.: ТДЮИ, 2006

WEB ресурслар.

1. www.public.ru
2. www.subscribe.ru

3. [http//ethics.narod.ru](http://ethics.narod.ru)
4. [http//humanities.edu.ru/db/sect/144/20/298](http://humanities.edu.ru/db/sect/144/20/298)
5. www.psy.piter.com
6. www.countries.ru
7. www.azps.ru

2-Мавзу: “Этика”нинг асосий категориялари. Ахлоқий маданият ва шахс ахлоқий тарбияси

1. “Этика” категорияларининг ахлоқий маданият шаклланишидаги методологик роли.
2. “Этика”нинг асосий категориялари.
3. Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар, уларнинг ҳуқуқий амалиётда намоён бўлиши.
4. Ахлоқий маданият ва унинг моҳияти.
5. Муомала одоби ва этикет.
6. Касбий одоб ва унинг ахлоқий маданият тузилмасидаги ўрни.
7. Шахс ахлоқий маданиятининг шаклланишида ахлоқий тарбиянинг роли.

Ҳар бир фаннинг ўз категориялари бўлгани каби “Этика” фанининг ҳам категориялари мавжуд. “Этика” фани категориялари деб жамият ахлоқий ҳаётидаги умумий муҳим томонларни,

хусусиятлар ва муносабатларни инсон томонидан ўзлаштириш усуллари акс эттирувчи тушунчаларга айтилади.

“Этика” категориялари ўзига хос хусусиятларга эга: улар фақат ахлоқшунослик соҳасида эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам қўлланилади. Амалиётда ахлоқий фаолиятдан ташқари бўлган нарсанинг ўзи йўқ. «Этика» категориялари бир вақтнинг ўзида бошқа фанлар: сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий фанларнинг ҳам категориялари ҳисобланади. “Этика” категориялари - шунингдек, кишилар хатти-ҳаракатлари, ҳуқ-атворларини жамият талаблари нуқтаи-назаридан маъқуллаш ёки қоралаш, яъни ахлоқий баҳолаш хусусиятига эгадир.

Яхшилик, ёмонлик, виждон, бурч, адолат, шаън, ор-номус, иймон, муҳаббат, нафрат, ҳаётнинг маъноси, бахт категориялари “Этика”нинг асосий категориялари ҳисобланади.

Шунингдек, кишилар хатти-ҳаракатлари, ҳуқ-атворларини жамият талаблари нуқтаи назаридан маъқуллаш ёки қоралаш, яъни ахлоқий баҳолаш хусусиятига эгадир.

Яхшилик, ёмонлик, виждон, бурч, адолат, шаън ва ор-номус, иймон, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, ҳаётнинг маъноси, бахт категориялари этиканинг категориялари ҳисобланади.

«Яхшилик» ва «ёмонлик» категориялари ижтимоий тараққиёт давомида мазмунан ўзгариб ва такомиллашиб боради. Шу маънода «яхшилик» ва «ёмонлик»ни илк ибтидоий тушуниш билан ҳозирги ижтимоий тараққиёт босқичларидаги тушуниш бир-биридан фарқ қилади.

Ижтимоий тараққиётнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги «яхшилик» деб қаралган ҳодиса, бошқа бир босқичда

«ёвузлик», ёки «ёмонлик», деб баҳоланиши мумкин. Масалан, кулдорлик тузуми даврида «кул»ни уриш, сўкиш ҳатто ўлдириб юбориш мумкин эди. Бу нарса мавжуд ахлоқий онгга ҳеч ҳам зид келмас эди. Ҳозирчи? Ҳозирги замон ахлоқий онгида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳар қандай тажовуз ахлоқсизлик ёки «ёвузлик», деб баҳоланади. Бу шундан далолат берадики, ахлоқий категориялар доимо мазмун жиҳатидан ўзгариб туради. Ижтимоий-тарихий тараққиёт ҳаттоки «яхшилик»- ни «ёмонлик»га, «эзгулик»ни эса «ёвузлик»га айлантириб юбориши мумкин.

Яхшилик деб теварак-атрофда содир бўлаётган ҳамма воқеа, ҳодиса ва вужудга келаётган нарсаларнинг инсонни эъзозлайдиган, унинг манфаат ва эҳтиёжларини қондирадиган, ахлоқий идеалларига мос келадиган, одамгарчиликнинг ўсишини ҳар томонлама таъминлайдиган, пировардида бахтли ҳаёт кечиришга хизмат қиладиган барча ижобий томонларнинг йиғиндисига айтилади.

Яхшилик бошқа этика категорияларидан ўзининг қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

1) яхшилик – инсон фаолиятининг сабаби ва натижасига кўра текшириладиган ҳамма муайян ахлоқий нормалар тизими нуқтаи назаридан ижобий баҳолашга имкон берадиган ижобий ахлоқий мазмундир,

2) яхшилик – ахлоқий идеалга мувофиқ келадиган реал мавжуд ахлоқий муносабатларнинг ижобий мазмундир,

3) яхшилик – муайян, аниқ тарихий ахлоқ шаклининг барча ижобий норма ва принциплари йиғиндисини ўзида жамлаган умумий идеалдир,

- 4) хатти-ҳаракатнинг сабабига айланувчи ахлоқий мақсаддир,
- 5) яхшилик – инсоний хусусият, фазилатдир ва ҳ.к.

Яхшилик категорияси ўзининг кўпқирралиги, кенг қамровлиги, ахлоқий муносабатларнинг универсаллиги, яъни кишилар ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олганлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам у меҳнат соҳасида – жамият манфаатлари йўлида қилинган ҳам ижодий меҳнат, сиёсат ва ҳуқуқ соҳасида – инсонпарварлик, адолатпарварлик ва бошқа шаклларда намоён бўлади.

Ёмонлик деб жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи, кишиларнинг ахлоқий идеалларига, улар эъзозлайдиган қадриятларга зид келадиган, бахтга эришишга, одамлар орасидаги муносабатларда ахлоқий тараққиётнинг қарор топишига ва инсонийликнинг ўсишига зид келадиган хатти-ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган тушунчалар йиғиндисига айтилади.

«Яхшилик» ва «ёмонлик» ўзаро алоқадор ва айна вақтда бир-бирини инкор этувчи категориялардир. Яхшилик ва ёмонлик тўғрисида ҳадисларда шундай дейилган:

«Яхшиларингиз ҳушхулқ бўлиб, кишиларга ён берувчи, яъни атрофида яхши ҳаёт кечиришга имкон берувчи кишилардир. Ёмонларингиз маҳмадона, дилозор, кишилар роҳатини бузувчи кишилардир».

«Яхшиларингиз қарзни адо этувчи кишилардир. Яхшиларингиз ўз аҳлига, оила аъзоларига яхши бўлганларингиздир. Одамларнинг яхшиси одамларга манфаатлироғидир».

«Кимга яхшилик қилай, - деб сўраган одамга уч марта онангга деб, тўртинчисида отангга деб айтганлар, яъни яхшиликни онангга, онангга, онангга, сўнгра отангга қил дедилар».

«Адолат» категорияси фақат этика категориясигина бўлиб қолмай, бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий категория ҳамдир.

«Адолат» категориясининг ички мазмунини, унинг асосий ижтимоий мезонларига эътибор бериш бўлғуси ҳуқуқшунослар учун бениҳоят муҳимдир.

«Адолат» категориясининг бошқа ахлоқий категориялардан фарқи шундаки, у айниқса ҳуқуқшунослик билан чамбарчас боғлиқдир, маълум даражада у ахлоқшунослик ва ҳуқуқшуносликни боғловчи кўприк, асос ролини ўтайди. Бироқ у авваламбор ахлоқий категориядир. Ҳуқуқшунослик фани мазкур ахлоқий категорияни қонунлар асосида олади, уни кишилар муносабатида қарор топшини таъминлашга хизмат қилади. Бу ҳақда И.Каримов «Адолат қонун устиворлигида» номли маърузасида батафсил тўхталади. Ҳуқуқ фанининг адолатни қарор топиши учун саъи-ҳаракати у ҳуқуқий категория деган хулосага ҳам олиб келади. Аслида эса адолат авваламбор ахлоқий категориядир. Мазкур категория мисолида этика ва ҳуқуқ фанларининг бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигини кўриш мумкин.

«Адолат» ўз мазмунига кўра шахс эркинликлари ва мажбуриятлари ўртасидаги мутаносибликни (уйғунликни) объектив ҳолис баҳолашнинг ижтимоий мезонидир. «Ор-номус» ва «шаън» категориялари ҳам ўз ижтимоий аҳамиятига кўра юксак ахлоқий фазилатларни акс эттиради. Ор-номус ва шаън категориялари ҳам ўз

ижтимоий аҳамиятига кўра юксак ахлоқий фазилатларни акс эттиради. «Ор-номус» ва «шаън» ҳақидаги дастлабки тасаввурлар ибтидоий-жамоа тузумининг охирларида шаклланган бўлиб, инсон ахлоқий камолотининг олий бир кўриниши сифатида жамоа аъзолари олдидаги шахсий қадр-қиммат, ижтимоий обрўйини баҳолаш, англаш орқали намоён бўлади. Этика фани тарихида «ор-номус» ва «шаън» категорияларига биринчи бор Қадимги Рим стоицизм фалсафасида катта эътибор берилди. Рим стоицизм фалсафаси вакиллари, айниқса, Луций Анней Сенека, Марк Аврелий ва Эпиктет «ор-номус» ва «шаън» категорияларини мунтазам тадқиқ қилишди. Улар ҳатто киши ўлимини ор-номусдан ва шаъннинг оёқ-ости қилинишидан афзал кўришган.

Масалан, Эпиктет: «Инсон туғилса ёки ўлса, ўз пуллари, уй-жойидан маҳрум бўлса –бу аянчли эмас, чунки буларнинг ҳаммаси инсонга хос эмасдир. Агар инсон ўзининг ҳақиқий мулкини – ўз инсоний қадр-қимматини йўқотса, бу ачинарли ва аянчлидир», - деган эди.

Ор-номус ва шаън категориялари Марказий Осиё мутафаккирлари ахлоқий таълимотларида ҳам учрайди. Инсон қадр-қиммати, ор-номуси ва шаъни Ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Беруний, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Хўжа Ахрор, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқа ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг ижодий меросида алоҳида ўрин тутади. Гарбда эса «ор-номус» ва «шаън» категорияси Уйғониш даври мутафаккирлари Н.Коперник, Жордано Бруно, Лоренцо Валла, Эразм Роттердамский, Галилео Галилей ва бошқа мутафаккирлар ижодидан кенг ўрин олган.

Айниқса, Ўрта асрларда рицарлик ор-номус ва шаъни, у ёки бу унвонга мансублик (лорд, граф ва ҳоказолар) алоҳида маънавий фазилатлар бўлишлигини, шахсий ва оилавий кадр-қимматини, ор-номус ва шаъни чексиз ҳурмат қилиш ва кадрлашни ахлоқий қоида ва принцип даражасига кўтарди. Ор-номус ва шаън категорияларининг инсон ҳаётида устиворлиги Пушкин, Лермонтов, Дантес, Байрон ижоди ва ҳаётида дуэль – яккама-якка олишув қиёфасида ҳам бўлади.

Амалий машғулотда ор-номус ва шаън ҳақида гапирганда миллий истиқлол мафкурасида мазкур категорияларга алоҳида эътибор беришини таъкидлаш лозим. Миллий ғурур, миллий кадр-қиммат айнан шундай асослардир. Давлатимиз шаъни ва ор-номуси – ўзбек халқи тарихий кадр-қимматининг ҳаётимизда қарор топшининг маънавий гаровидир. Миллий ор-номус, шаън ва кадр-қимматни ҳимоя қилмасдан туриб миллий мустақилликни мустаҳкамлаш мумкин эмас.

Ор-номус ва шаън ҳар бир кишида шаклланган бўлиши ижтимоий равақ ва маънавий покликнинг гаровидир. Шахсий ор-номус ва шаъни камол топтирилса жамиятимизда жиноятчилик, бузуқчилик, гиёҳвандлик каби ахлоқсизликлар камаяди.

Навбатдаги ахлоқий категория – виждон категориясидир. Виждон ор-номус каби олий ахлоқий фазилатдир. Виждон ўз табиатига кўра ижтимоий-тарихий фазилат бўлиб, кишининг фуқоролик етуқлиги ва ижтимоий масъулияти асосида шаклланади. «Виждон амри», «виждон азоби», «виждон овози» каби тушунчалар

кишининг турли хатти-ҳаракатлари ва ҳулқини ижтимоий фойда ёки зарар нуқтаи-назаридан баҳолашни ифодалайди.

Виждон кишида туғма хусусият бўлмасдан, уни индивидуал-шахсий камолоти, шахсий ҳаётий тақдири асосида шаклланади. Виждон шу сабабли турли кишиларда турли даражада шаклланган бўлади.

Виждон ўз табиатига кўра икки томондан- ақлий ва ҳиссий томонлардан иборат бўлади. Виждон ижтимоий ақл, ижтимоий қоидаларига риоя қилиш даражасини ифода этар экан, у инсонда турлича ҳис-туйғуларни уйғотади.

Бу туйғулар гоҳида қониқиш, таскин топиш ёки аксинча уялиш, қийналиш, азобланиш шаклида намоён бўлади.

Қадимги Римда виждон ижтимоий моҳиятини назарда тутиб «виждон – бу мингта гувоҳдир», - деб ҳам таъкидлашган. Виждон шу маънода кишининг ижтимоий масъулиятини индивидуал-шахсий ифода этилишидир. Виждон айнан шу томонлари билан ўзининг норматив томонларини яққолроқ кўрсатади.

Виждонлилик – бу ижтимоий бурчни англаш ва шунга мос хатти-ҳаракатлар қилишдир.

Виждонлилик – бу масъулият ҳиссининг шахс фаолиятида устиворлигидир. Виждонлилик – инсон қарорларида, ҳаракат йўналишларини танлашида одамийликнинг, инсонпарварликнинг, меҳр-оқибатнинг устиворлигидир.

Бурч категорияси ҳам виждон категорияси каби кишиларда турли даражада камол топган бўлади. Бурч кўпроқ шахсининг индивидуал хусусиятларига боғлиқдир. У кишида қай даражада

масъулият, уят, ор-номус ва шаън ҳисси тараққий эканлиги билан боғлиқдир.

Бурч инсон тараққиётининг юксак ижтимоий поғоналарида тарихан камол топгандир. Бурч – ижтимоий ва шахсий маънавий қарздорликни, ижтимоий ҳаётга индивидуал тарзда мансублик ва қарамликнинг ифодасидир. Бурч асосан икки кўриниш ёки поғонада намоён бўлади. Биринчиси – ижтимоий-тарихий бурч. У миллий равақ, миллий маданият, ватан олдидаги масъулият шаклида кўринади.

Шахсий индивидуал бурч – иккинчиси бир кўриниш бўлиб, у ота-она олдидаги бурч, қариндош-уруғ олдидаги бурч, ака-ука, опа-сингил олдидаги бурч, дўстлар олдидаги бурч, шунингдек шахснинг умр йўлдоши олдидаги бурч шаклида намоён бўлади.

Бурчнинг у ёки бу кўриниши шахснинг умумий маданияти савияси, ахлоқи, виждонлиги ва тарбиясига боғлиқ.

Бурчнинг олий кўриниши – ижтимоий бурчга шахсий-индивидуал бурч ривожини орқали эришилади.

Бурчнинг касбкор билан боғлиқ кўринишини ҳам алоҳида кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Бахт категорияси ҳам асосий ахлоқий категориялардан бири ҳисобланади. Бахт ҳақидаги илк тушунча ва тасаввурлар ижтимоий тараққиётнинг бирмунча кейинги даврларида (қулдорлик тузуми) шаклланган.

Бахтни диний-мистик ва дунёвий тушунишлар мавжуд. Диний тушунишга биноан ҳақиқий бахт – бу худо марҳаматига эга бўлиш, жамиятга тушиш, деб тушунилган.

Бахтни дунёвий тушуниш кишиларнинг реал турмушларида фаровонликка, осойишталикка, саодатга, рўшноликга эришишга қаратилган индивидуал-шахсий тасаввурларига асослангандир.

Бахт тушунчаси абстракт ахлоқий тушунча бўлса-да, у конкрет ходисаларда ифода бўлишликни тақозо этади. Бахт деганда, айримлар чексиз мол-мулкга, моддий бойликларга эга бўлишни тушунишса, айримлар эса бирон-бир катта лавозимга эга бўлишни тушуниши мумкин. Бахт тушунчаси шунинг учун шахсий-конкретликни талаб қилади. Яъни у ёки бу шахснинг маънавий ва маданий савиясига функционал равишда боғлиқдир. Шу маънода ким учундир бахт – бу сиҳат-саломатлик бўлса, ким учундир бахт – бу садоқатли дўстларга, сеvimли касбга эга бўлишдир.

Инсоф категорияси методологик жиҳатидан фалсафий «меъёр» категорияси билан боғлиқдир. Инсоф категорияси ижтимоий баҳо асосида шаклланиб кишини қатор маънавий хислатлари – ҳалоллик, эзгулик, виждон, ростгўйлик, меҳр-оқибат, одамгарчиликни ўзида мужассам этади.

Инсоф категорияси ҳар қандай ахлоқий система ва маданиятда бўлавермайди. Инсоф категорияси ўзбек миллий ахлоқига хос бўлган категориядир.

Унинг роли ижтимоий ҳаётда бениҳоят каттадир. У ёки бу хатти-ҳаракатда ижтимоий кўламдан, меъёрдан четга чиқиш-ноинсофлик, демак ахлоқсизлик ҳисобланади. Бу азалий ахлоқий категория миллий истиқлолимиз шабадаси туфайли ҳаётимизда яна тикланмоқда.

Инсоф категорияси ўз мазмунига ва кишилар ҳаётида бажарадиган вазифаларига кўра инсоф, шаън, ор-номус билан узвий алоқада туради. Иймон мазкур категориялар асосида инсон маънавий дунёқарашининг негизи-эътиқодни шакллантиради. Иймон кишида ҳаётини кўникмалар, таассуротлар, тажриба ва тарбия асосида вужудга келади ва эътиқод даражасига кўтарилади. Эътиқод кишини у ёки бу ҳодисага нисбатан бўлган ҳаётини мавқеини (позициясини) ифодалайди. Иймон собиқ марксача-ленинча этикада диний-мистик категория тарзида баҳоланар, унинг жамият ҳаётидаги роли камситилар эди. Натижада иймонсизлик ҳаётини нормага айланиб қолган эди. Хоинлик, сотқинлик, чақимчилик, адоват, ҳасад, қабихлик, ёлғончилик, бекбурдлик, ёвузлик ва ҳоказо ҳодисалар иймонсизлик намунасиндир. Бундай маънавий тубан ахлоқий хислатлар аксарият совет фуқоролари онгида шаклланиб қолган эди. Бунинг оқибатида Ватанимизнинг иймонли ва инсофли, виждонли ва ор-номусли ўғил-қизлари қувгинга ва қатағонга дучор бўлишган эди. Иймон миллий онг, миллий маданият ва миллий маънавиятнинг кўзгусидир.

Мустақиллик мафқурасининг ўзагини бошқа юксак ахлоқий категориялар билан бир қаторда иймон категорияси ҳам ташкил этади. Амалий машғулотда мазкур категория мисолида конкрет ҳаётини фактларга шарҳлар тавсия этилади.

Севги категорияси инсон ахлоқий камолотининг энг олий ва эзгу кўринишидир. Севги ўз мазмунига кўра ҳиссий ва ақлий томонларнинг ўзаро диалектик бирлигидан иборатдир. Севги ҳақидаги тасаввур инсоннинг табиатдан тарихий ажралиб чиқиши ва

ижтимоий махлуқот қиёфасига кириши билан боғлиқдир. Кишилик жамияти учун хос бўлган юксак туйғу – севги ижтимоий тараққиётнинг маҳсулидир. У икки – биологик ва маънавий бирлашиш эҳтиёжи ўзаро бирлигининг маънавий ифодасидир.

Севги, севиш ва севилиш ҳисси инсоннинг маънавий қувватидир. Севги эзгулик, мурувват, сахийлик, жасурлик, ботирлик, садоқат, бурч, ишонч ва бахт категориялари билан боғлиқдир. Севги ахлоқий-маънавий ҳодиса сифатида индивидуал-бетакрор бўлади. Севиш ва сева олиш қобилияти ҳар бир кишида ўзига хос, қайтарилмас характерга эга. Бироқ ижтимоий-маънавий тараққиёт севги ҳақида олий андоза - севгининг образли қиёфасини яратади.

Бу «идеал» тушунчаси орқали ифодаланади. Маънавий тараққиёт ўз даврининг идеали тарзида Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Ромео ва Жульетта, Тоҳир ва Зухра, Отабек ва Кумуш образларини кейинги авлодлар учун яратди. Улар чин севгининг намунаси ҳисобланади.

«Севги» категориясини «ишқ» ва «муҳаббат» категорияларидан фарқ қилмоқ лозим. «Севги » ва «ишқ» категориялари моҳиятан бир-бирига яқин категориялардир. Бироқ улар умумийроқ бўлган ахлоқий категория «муҳаббат» категориясининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Масалан, севги, ишқ конкрет бир шахсга нисбатан яқинликни, эҳтиёжни ифодаласа, «муҳаббат» категорияси кенгроқ бўлган ҳодисаларни ҳам ифода этади. Масалан, «она Ватанга муҳаббат», «севимли касбга нисбатан муҳаббат», «онага ва отага муҳаббат, меҳр-оқибат, саховат, ҳамдардлик, ҳамнафаслик, манфаатдорлик, боғлиқлик» каби тушунчаларни ҳам ўз ичига олади.

Ахлоқий категориялар тизимида «ҳалол» ва «ҳаром» категориялари алоҳида ўрин тутди. Ўзбек миллий ахлоқида мазкур ахлоқий категориялар маънавиятимизнинг устуни ҳисобланади. Ўтмиш аجدодларимизнинг маънавий ҳаётида мазкур категориялар устиворлик қилган. «Ҳалол» ва «ҳаром» категориялари диний – мистик табиатга эга, мусулмон ахлоқининггина тушунчалари деган ақида уйдирма эканлиги бугунги маънавий покланиш, ахлоқий уйғониш даврида тобора сезилиб қолмоқда.

Умуминсоний ахлоқ принциплари муайян ижтимоий муносабатларга мувофиқ, моддий ва маънавий ҳаёт жараёнида кишилар ижтимоий турмушининг, ахлоқий муносабатларининг талабларини бирмунча умумлашган ҳолда акс эттирадиган ахлоқий онг шакллари сифатида вужудга келган қонун-қоидалар ҳисобланади.

Умуминсоний ахлоқ тамойиллари деб инсоннинг маънавий моҳиятига, бурчига, ҳаётнинг мазмунига ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг табиатига тааллуқли бўлган умумий талабларни акс эттирадиган, инсонлар фаолиятининг умумий йўналишини кўрсатиб берадиган ва муайян хулқ-атвор нормаларига асос бўлиб хизмат қиладиган қонун-қоидаларга айтилади. Умуминсоний ахлоқ тамойилларига қуйидагилар киради: инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, ишонч, ҳамжиҳатлик, тинчликсеварлик, ватанпарварлик, адолатлилик, одамийлик, қонунийлик ва ҳ.к.

Инсонпарварлик тамойили – одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, бахт-саодати, ҳар томонлама камол топиши ҳамда ижтимоий ҳаётда инсон учун қулай

шарт-шароитла яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишни ифодаловчи туйғулар, қарашлар мажмуидир.

Инсонпарварлик ахлоқий тамойил сифатида кишиларнинг хулқини бир-бирига хурмат ва ғамхўрлик, инсоннинг куч-қудратига ишонч руҳида тартибга солиб борадиган хатти-ҳаракатларни билдиради.

Инсонпарварлик тамойили ўзининг ҳуқуқий ифодасини «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» (1948 йил 10 декабрь), «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» (1992 йил 8 декабрь) каби ҳужжатларда топган.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да: “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган. Бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарларча руҳда муносабатда бўлишлари керак”(1-модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”(24-модда).

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг маънавий негизларидан бирини инсонпарварлик ташкил этади. “Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи руҳиятининг ажралмас фазиладидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир”, - деб ёзган эди И.А.Каримов “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” асарида. Инсонпарварлик ўзбек халқининг барча ҳаёт жабҳаларига кириб кетган бўлиб, унинг қонун-қоидалари

ахлоқий ҳуқуқий муносабатларни қамраб олган ҳолда уларни тартибга солиб турувчи, бошқарувчи восита ҳисобланади.

Ҳозирги кунда инсонни, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг долзарб масалалардандир. Бу айни вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча идораларнинг фаолиятини тубдан қайта қуришни инсонийлаштиришни тақозо этмоқда. Бу иш 2 хил йўналишда олиб борилиши керак: 1) Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларининг бутун фаолиятини инсонийлаштириш, 2) ҳар бир ходимнинг фаолиятини инсонийлаштириш. Инсонийлаштириш – инсонпарварликнинг амалдаги ифодасидир.

Ватанпарварлик тамойили – «Ватанни севмоқ иймондандир», - деган эдилар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом. Ватанни севиш ватанпарварликнинг негизини ташкил этади. И.А.Каримов: «... Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан ўз оиласининг, авлод-аждодларининг номус-ориға, чуқур эҳтиромиға, инсоннинг шахсий виждониға, бурчға ва ўз сўзиға содиқликка бориб тақалади.» «Ватан туйғуси: “Ватан хисси - шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарға қодир бўлганлигини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади” дейилади. Ватан туйғуси – аждодларимизнинг Ватан дея, унинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилганликларини, жабр-ситами, зулм-истибдодға учраганликларини ёд этиш, мустақил, озод ва обод Ватанимизға юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлишдир.

Ахлоқ нормалари деб бир хилдаги иш-амалларға жорий қиладиган умумий буйруқлар ва тақиқлар орқали кишилар хатти-

ҳаракатини тартибга солувчи ахлоқ-одоб талабларининг шаклига айтилади. Ахлоқ нормалари икки хил кўринишда бўлади:

ахлоқий муносабатларнинг таркибий қисми шаклида мавжуд бўлади,

ахлоқий онг шаклларида мавжуд бўлади.

Ахлоқ нормаларининг биринчи шакли кўпчилик кишиларнинг бир хилдаги хатти-ҳаракатлари туфайли келиб чиққан ва кейинчалик барча учун бажарилиши шарт қоидалар тусини олган нормалардир. Иккинчи хил кўринишдаги ахлоқий норма инсон онгида ўз аксини топган муайян қоида сифатида намоён бўлади (масалан, «ўлдирма», «ўғирлама» ва ҳ.к.). Яъни буйруқ мойиллик хусусияти кўзга ташланади.

Демак ахлоқ тамойиллари – умумлашган ахлоқий тушунчалар бўлса, ахлоқий нормалар уларни муайянлаштиришга хизмат қилади, яъни ахлоқий тамойилларга риоя қилиш учун қандай ахлоқий хислатлар зарурлигини, бунда киши иродаси қай тарзда намоён бўлиши кераклигини кўрсатади.

Ахлоқ нормалари нафақат элементар ахлоқий онг, балки шу билан бирга, кишиларни ҳаракатга ундовчи мотив ҳамдир. Улар маънавий ва амалий ходисаларнинг синтези сифатида нима қилиш мумкину, нима мумкин эмаслигини, у ёки бу шароитда қандай ҳаракат қилиш оқрагу, нимадан ўзимизнинг тийишимиз лозимлигини кўрсатган ҳолда хулқимизни йўлга солади, яъни мумкин ва номумкинлик меъёрини белгилаб беради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг касб ахлоқий нормаларига қуйидагилар киради: хушмуомалалик ва

одобрилиқ, оддийлик ва камтарлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, очик кўнгиллик ва дангаллик, сахийлик ва муруватлилик, ўзаро ҳурмат, самимийлик, сиполик ва ҳ.к.

Хушмуомалалиқ – ўзга кишиларга бўлган ички ҳурматнинг ташқи кўриниши. Унинг 10 та белгиси бор: инсоф, ақл, илм, олийжаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулойимлилик.

Хушмуомалалиқ –кўнгилдаги ардоқли фикрларни, энг ноёб хистуйғуларни, энг эзгу ниятларни одамлар билан баҳам кўриш, осойишталик, вазминлик, хотиржамлик билан иш тутиш демакдир.

Одобрилиқ – яхши тарбий кўрганликнинг намоён бўлиши, ўзини тута билиш, ҳукм чиқаришда шошилмаслик, кишиларнинг орқасидан ғийбат қилмаслик, ўзгалар фикрини тинглай билиш, ширинсўзлик.

Ҳалоллик – ҳар бир инсоннинг ўз кучи билан меҳнат қилиши, шунинг эвазига топган мол-мулки, обрўси, жамиятда тутган ўрни, хулқининг тўғрилиги. Ростгўйлик ҳалолликнинг бир кўриниши бўлиб, ҳақиқатни гапириш, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қадр-қимматини тўғри баҳолаш, яхшини яхши, ёмонни ёмон деб очикчасига айтишдир.

Ҳаёлилик – бу уялиш, хижолат тортиш, ўзини ҳар хил ножўя хатти-ҳаракатлардан тия олиш демакдир.

“Ҳаё имондандир. Ҳаёли, одоъли бўлмоқ ҳар вақт хайрли ишларга сабаб бўлади”(ҳадислардан).

“Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳаёсиз инсон – имонсиздир, имонсиз эса инсон эмасдир”(Навоий).

“Инсонда доимо турадиган ҳусн ва латофат ҳаё ила ифбатдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидир”(Ибн Сино).

Сабр –қаноат – ҳаёт қийинчиликларини чидам билан енгишдир.

Камтарлик – кишининг ўзини табиий ҳолда, қандай бўлса шундайлигича ҳамма билан тенг тутишдир.

“Кучли одамлар ҳамиша оддийдирлар” (Л.Толстой).

“Камтарликнинг етишмаслиги, ақлнинг етишмаслигидандир” (А.Поп).

“Ҳамма нарсада, ҳатто камтарликда ҳам меъёрни билиш керак” (А.Франц).

Фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик даражасини фуқароларнинг ахлоқий маданияти белгилайди. Ахлоқий маданият шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаш ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларда фойдаланиши, ўз ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. Қисқаси, у шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси ҳисобланади.Зеро, ахлоқий маданият ахлоқий тафаккур маданиятининг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилмадир. У шахснинг ўзгалар билан муносабатларида намоён бўлади.

Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири муомала одоби ҳисобланади. У моҳиятан ўзаро ҳамкорликнинг шаклларида биридир. Инсон зоти бир – бири билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба олмасдан, бир - бирига таъсир ўтказмасдан росмана яшаши мумкин эмас. Муомала одам учун эҳтиёж, зарурат, соғлом киши усиз руҳан қийналади, кайфияти тушиб боради. Бу борада буюк инглиз ёзувчиси Даниэль Дефо қаламига мансуб машҳур “Робинзон Крузонинг саргузаштлари” асарини эслашнинг ўзи кифоя:

Жумабойни топиб олган Робинзоннинг қувониб кетишига ҳам сабаб шунда.

Муомала одоби бошқа кишилар кадр- қимматини, иззатини жойига қўйишни, анъанавий меъёр талабларини бажаришини талаб қилади. Шунинг баробарида, у инсондаги яхши жиҳатларни намоён этиши, кўзга кўрсатиши билан ажралиб туради. Унинг энг ёрқин, энг сермазмун ва энг ифодали намоён бўлиши сўз, нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглай билиш, суҳбатлашиш маданияти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис муомала одоби ўзини, энг аввало, ширинсуҳанлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфезллик сингари ахлоқий меъёрларда намоён қилади.

Муомала одобининг яна бир кўзгуси бу инсоний қараш, нигоҳ. Маълумки, одамнинг инсоний қарашда, юз ифодасида қўл ҳаракатларида унинг қай сабаблардандир тилга чиқмаган, сўзга айланмаган ҳиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Чунончи, суҳбатдошининг гапини охиригача эшитмай қўл силтаб кетиши муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан бир қараб қўйишнинг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади.

Муомала одоби кишиларнинг насиҳат ва одоб ўргатиши бир бирига таъсири, тарбия ва ўз ўзини тарбия воситаси сифатида диққатга сазовор. Шу боис ёшларимизда муомала одобини шакллантириш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардандир. Бунда ота-онанинг, маҳалла-қуйнинг таъсири катта. Ундан фойдалана билиш керак. Зеро ахлоқий комилликка эришиш муомала одобини эгаллашдан бошланади.

Ахлоқий маданият яққол кўзга ташланадиган муносабат кўринишидан бири бу этикетдир. У кўпроқ инсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатларда ўзни тутиш қонуни қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Агар муомала одобида инсон ўз муносабатларига ижодий ёндашса, яъни бир ҳолатда бир неча муомала қилиш имкониятига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти- ҳаракатни тақозо этади.

«Этикетнинг қамрови кенг, у, маълум маънода, халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва ҳоказо. Этикетга риоя қилишнинг мумтоз намунасини биз тез-тез телевизор экрани орқали кўриб турамыз. Президентимиз И. Каримовга хорижий мамлакатлар элчиларининг ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларини эсланг. Унда фақат бир хил ҳолат – халқаро миқёсда ўрнатилган қоида ҳукмрон. Уни Президентнинг ҳам, элчиларнинг ҳам бузишга ҳаққи йўқ. Ёки жуда оддий, кичкина бир мисол: дастурхонда танаввул қилиш пайти, пичоқни ўнг қўлда ушлаш замонавий меҳмондорчилик этикетининг қатъий қоидаларидан бири саналади, уни бузиш атрофдагиларда ҳайрат ва истехзо уйғотади. Шу боис этикетни одам тусига айлантирилган, катталаштирилган муомала одоби дейиш ҳам мумкин» - деб кўрсатиб ўтади А.Шер ўзининг «Ахлоқшунослик» китобида.⁴

Этикет – тақаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишини кўзини

⁴ А.Шер. Ахлоқшунослик. Т., 2000й. 164-165 б.

кувонтирадиган муомала одоби дейиш ҳам мумкин. Лекин, айна пайтда у асл ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам намоён бўлади: этикет қоидаларини бажараётган киши аслида ўз хоши-ихтиёрига қарши иш кўраётган бўлиши ҳам мумкин. Шунга қарамай, умуман олганда, этикет шахсни муайян тартиб, қоидага, қандай ички руҳий шароитда бўлмасин, босиқликка, мулойимликка ва сабр тоқатга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Ахлоқий маданият касбий одобда ҳам яққол кўзга ташланади. Чунки инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутиб, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳамкасблар билан даврада рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айна пайтда касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг кичик шаклларида бири, унинг жамият ахлоқий ҳаётидаги ўрни юксаклигидир. Шу боис касбий одобга бафуржароқ тўхталиш жоиз.

Ҳар бир жамиятда муайян гуруҳлар борки, эгаллаган касблари уларни бошқа жамиятдошларига нисбатан имтиёзли даражага олиб чиқади. Кўпчилик жамият аъзоларининг ҳаёт-момотлари, соғлиги, маънавий соғломлиги, ҳуқуқий ҳимояси, илмий салоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар ўшандай имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурч масъулиятини қай даражада ҳис этишларига, ҳалолликка ва виждон юзасидан иш кўришларига боғлиқлиги ҳаммага маълум.

Чунончи, табобат ходимини олайлик, у ҳар бир операция кунда бир неча кишини ҳаётга қайтаради; юзлаб одамлар унинг ёрдамига мухтож, унга умид ва ишонч илинжи билан қарайдилар. Бордию,

шахсий манфаати йўлида жарроҳ ўз беморига хиёнат қилсачи, яъни уни қасддан ҳалок этсачи? Ким уни шундай қилмаслигига кафолат беради? Ёки журналистни олайлик. У шахсий манфаати йўлида касбининг камёблигидан фойдаланиб, бегуноҳ кишиларни маънавий азобга қўйиши, атайин жамият олдида шарманда қилиши ва шунинг ҳисобига ўзининг маълум бир муаммоларини ҳал қилиб олиши ҳам мумкин. То ҳақиқат юзага чиққунича, ноҳақ танқидга учраган шахсининг адои тамом бўлиши ҳеч гап эмас. Шу боис бошқалар кўлидан келмайдиган ишларни бажара оладиганлар фаолиятида ўзбошимчалик, манфаатпарастлик, худбинлик ва ўз касбини суистеъмол қилиши сингари иллатларга йўл қўймаслик учун, шунингдек, улар ахлоқий даражасини юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида кўп ҳолларда ўзаро қоидалар мажмуи яратилган. Бу қоидалар мажмуи, одатда қасамёд ёки меъёрлар кўринишини олади. Уни бузиш ўта одобсизлик ва ахлоқсизлик, ҳатто жамиятга хиёнат тарзида баҳоланади.

“Этика” фани соҳалари орасида касб этикаси алоҳида ўрин тутди. Касб этикаси ҳар бир касб-ҳунарга хос ахлоқий норма, принцип ва сифатларни ўрганади ва ҳаётга тадбиқ этади. Ҳар бир касб-ҳунарга хос ўзининг ахлоқий нормалари мавжуд. Лекин барча касблар орасидан шундайларини ажратиш кўрсатиш мумкинки, улар бажарадиган функцияларнинг ахлоқий томонларига алоҳида аҳамият талаб этилади. Касб этикаси фаолият объекти инсон бўлган соҳалар учун жуда муҳимдир. Ўз спецификасига кўра инсонлар билан доимий алоқада бўладиган соҳаларда шу соҳа мутахассисларининг “ахлоқий

кодекслари” мавжуд. Масалан педагог этикаси, врач этикаси, юридик этика ва ҳоказолар.

Муайян касб ахлоқий кодексларининг мавжудлиги ижтимоий тараққиётнинг, жамиятни инсонийлашишининг кўрсаткичидир.

Демак, касб этикаси муайян касб соҳаси вакилларининг махсус ахлоқий кодекси, шунингдек, ахлоқнинг турли фаолият турларида намоён бўлиши спецификасини ўрганувчи фан соҳасидир.

Юридик этика юристлар фаолияти спецификаси билан, уларнинг ахлоқий ва социал мавқеи билан белгиланади. Юридик соҳа вакилларининг касб этикаси мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилиш, жинойтчиликнинг олдини олиш ва уни тугатиш борасида инсонпарварлик, қонунийлик, адолат, жамоатчилик асосида ахлоқий хатти-ҳаракатларни содир этиш билан тавсифланади.

1948 йил 10 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси одил судлов органларига кўйиладиган қатор принципал талабларни ўз ичига олади. Уни Умуминсоний ҳуқуқий қадриятлар қаторига кўшсак бўлади. Шу билан бирга Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ўзида ахлоқий талаблар, қадриятлар, ахлоқий категорияларни мужассам этган. Унда инсонпарварлик, адолатпарварлик, инсон кадр-қиммати принципларига эътибор қаратилади. Юридик этика бу принципларга таянади.

Судья, прокурор ва терговчи хатти-ҳаракатлари ва қарорлари фуқароларнинг туб ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлиб, ахлоқ принцип нормаларига мос келиши, давлат ҳокимияти ва унинг

вакиллари авторитетини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши керак. Судья, прокурор, терговчи фаолияти давлат номидан амалга оширилади. Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ҳукмлар давлат номидан чиқарилади. Прокурор қонунларнинг амал қилишини назорат қилади ва давлат айбловини қувватлайди ва ҳ.к. Давлат мажбуриятини бажариш ҳокимият вакилларида ўз бурчини ҳис этишни талаб этади. Бошқа одамларнинг тақдирини хал қилувчи шахслар ўзларининг қарорлари, хатти-ҳаракатлари учун масъулият ҳис этиши лозим.

Юрист адолатни ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатдан талаб этар экан, қонунга асосланиши керак. Қонунийлик ва адолатнинг бирлигини таъкидлаган ҳолда Давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган ҳар қандай қарор қонуний ва адолатли бўлиши керак, фақат адолатли қарор қонуний бўлиши мумкин, адолатсизлик ноқонуний бўлади. Қонунни четлаб ўтиш, сохталаштириб талқин этиш ахлоқсизликдир. Бу нафақат ҳуқуқий нормаларга, балки юрист касб этикаси нормаларига зиддир, қонунни билиб туриб, атай бузишнинг ўзигина эмас, билими етишмаслиги, ички интизоми йўқлиги ва ҳурматсизлиги натижасида, қонунни четлаб ўтиш ахлоқсизликдир.

Президент И.Каримов «Адолат—қонун устуворлигида» номли маърузасида шундай уқтириб ўтади: “Ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим нопок ходимлари учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифа бўлмай, балки кўрқитиш, ўз ваколати ва ҳукмдорлигини кўрсатиб қўйишга интилиш, ўзини гўё жиноятчиликка қарши курашаётгандек қилиб кўрсатиш каби нохуш одат ҳамон яшаб келмоқда. Шундайлар ҳам

борки, улар қонунчилигимиздаги айрим номукамалликлар, одамларнинг хато ва бахтсизликлари ҳисобига ўзларининг ғаразли, таъмагирлик мақсадларига эришишга уринади”.⁵

Демак, юрист касб этикаси ҳуқуқий ва ахлоқий принцип, нормаларининг ўзаро алоқадорлиги, ҳуқуқий ва ахлоқий онгнинг боғлиқлиги асосида шаклланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари касб этикаси бир қанча соҳаларга бўлиниб ўрганилади:

1. Прокуратура идоралари ходимлари этикаси;
2. Ички ишлар идоралари ходимлари этикаси;
3. Миллий хавфсизлик идоралари ходимлари этикаси;
4. Суд идоралари ходимлари этикаси;
5. Адвокатлар этикаси.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади» дейилади. Жамиятимиз инсонпарварлик йўлидан борар экан, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлайдиган суд ҳокимиятига эришиш шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 106-моддасида «Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади» -дейилган.

Бунинг учун аввало судьялар мустақил ишлайдиган билим ва малакага эга бўлишлари зарур. Суд қарорларининг ҳурмат қилиниши унинг изчиллиги, мантиқийлиги, интеллектуал салоҳияти,

⁵ И.А.Каримов. “Адолат-қонун устуворлигида”, “Халқ сўзи” газетаси. 2001 йил 31 август.

адолатлилиги, қонунийлигига боғлиқ. Агар суд қатъий ахлоқий кодекс билан тартибга солинмаса, жамият судьяни ахлоқий принцип ва қоидаларига риоя қилишига ишонмаса, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Қонун устуворлигини ўрнатишга интилаётган барча мамлакатларда судлар фаолиятига путур етказишнинг тезкор усули бу - судловнинг мансабдор шахслари томонидан ахлоқ талабларининг бузилишидир.

Агар суд ҳокимияти ўз мустақиллигини муҳофаза қилган ҳолда, суд ҳокимиятининг юксак стандартларини ўрнатиш ва сақлашни истаса, қуйидаги учта тамойилга риоя қилиши лозим деб кўрсатиб ўтади америкалик ҳуқуқшунос Энтони М.Кеннеди.

1. Судьялар ҳамиша ўз вазифасини ижро этаётганда, шунингдек шахсий ва ижтимоий муносабатларда юксак ахлоқий нормалар асосида ўз шахсий мажбуриятларини бажариши лозим.

2. Суд ҳокимиятининг ўзи судьялар учун ёзма батафсил ахлоқ кодексини қабул қилиши ва ошкор этиши лозим, токи у судьялар учун ўз хизмат бурчларини бажаришларида йўлланма бўлиб хизмат қилсин.

3. Судьялар томонидан ғайриҳуқуқий ва ғайриахлоқий хулқ-атвор намоён қилинганлиги ҳақида айбловлар олиниши, текширилиши, тегишли чора кўрилишининг механизмлари ва процедуралари мавжуд бўлиши керак.

Прокуратура идоралари ходимлари этикаси масаласига келсак Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 2-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини ” таъминлаш, қонунийликни

мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат» дейилади.⁶ Бу вазифалар албатта прокуратура ходимлари томонидан ахлоқ қоидалари ва принципларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Дастлабки терговда терговчи хизмат бурчига кўра бир қанча одамлар билан ахлоқий муносабатга киришади; гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси билан, даъвогар ва жавобгар билан, эксперт, мутахассис билан, гувоҳлар ва ҳоказолар билан ахлоқий муносабатларга киришади.

Мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси – юридик этиканинг муҳим масаласидир. Ҳозирги замон жиноят жараёнида мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси муайян ҳуқуқий ва ахлоқий асосда ҳал этилади.

Этикада “мақсад воситани оқлайди принципи, эзгу мақсад йўлида ҳар қандай воситаларни қўллаш мумкин” – деган фикрлар инкор этилади. Мақсад қанчалик эзгу бўлмасин, воситалар ҳам ахлоқий чегарада бўлиши даркор. Жиноят жараёнида қўлланиладиган воситалар қонунга кўра руҳсат этилган бўлиши ахлоқий бўлиши зарур.

Терговчи ўз фаолиятида уч турдаги қоидаларга амал қилади: процессуал нормалар терговчи тергов жараёнида нима қилиши, қандай шакл ва тартибда қилиши лозимлигини кўрсатади.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонуни “Прокуратура тўғрисида” (Янги таҳрири) Тошкент .2003й. 3-бет

Криминалистика ишлаб чиқадиган тавсиялар жиноятни тез ва тўлиқ очиш ва айбдорларни топишга ёрдам беради.

Ахлоқий нормалар ахлоқ нуқтаи назаридан тергов қилишнинг у ёки бу йўллари қанчалик қўлланиши мумкин эканлигини баҳолаш имкониятини беради.

Терговчи дастлабки тергов вазифаларини бажариш, ўзининг профессионал вазифасини бажариш учун ахлоқий жиҳатдан шахсан масъулдир; терговчи фаолияти унинг спецификасини инкор этмаган ҳолда, айтишимиз керакки, бутун жамият учун умумий бўлган ахлоқий нормаларга бўйсунмасдан иложи йўқ. Баъзи бир олимларнинг терговчи фаолиятига хос махсус ахлоқий қоидалар умумий ахлоқий қоидаларни тўлдириш билан бирга, баъзи ҳолларда уларни чегаралайди, деган фикрларга эътироз билдирмай иложимиз йўқ. Терговчи фаолиятида ахлоқ нормалари ва принципларидан четга чиқишга асло йўл қўйиб бўлмайди: қонун ҳам, жамият ахлоқий онги ҳам, тергов амалиёти эҳтиёжлари ҳам бундай хулоса чиқаришга асос бўлолмайди. Аксинча, терговчи фаолиятига юқори ахлоқий талаблар қўйилиши лозим.

Рус олими А.Ратинов ўз вақтида, терговни “кураш жараёни”, деб қарашни таклиф этганди. Унинг тавсияларига мувофиқ «руҳий қопқонлар» қўйиши, жиноят иштирокчилари ўртасида конфликт келтириб чиқариш кабилар тергов методлари сифатида таклиф этилади. Биз фақат уларни қўллашда жуда эҳтиёткорлик зарурлигини, уларнинг баъзилари «ёлғон чегарасида, «провокация чегарасида» эканлигини таъкидлашимиз зарур бўлади, М.С.Строгович фикрича,

терговчи терговга объектив ёндашиши, айбланувчи айбини оғирлаштирувчи ҳолатлар билан бирга оқловчи, айбини юмшатувчи ҳолатларни ҳам тўлиқ ўрганиши лозим. Терговнинг ахлоқий муҳити терговни олиб боровчи шахснинг ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга қанчалик амал қилишига боғлиқ. Ҳақиқатни излашдаги фаоллик ва принципиаллик, холислик, инсонийлик, адолат, ҳақгўйлик, хушмуомалалик, қонунийлик, ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ манфаатларини ҳисобга олиш — терговчи фаолиятига қўйиладиган муҳим ахлоқий талаблар ҳисобланади.

Терговчи ҳар қандай шахсга нисбатан -хавфли жиноятчи бўладими, оддий жанжалкаш бўладими, рецидивист ёки маиший безори бўладими, жабрланувчи бўладими, ундан қатъи назар, вазминлик, босиқлик, хотиржамлик намоён қилиши керак. Эмоционал ва ақлий вазият қанчалик кескин бўлмасин, қанчалик оғир бўлмасин, қотил, зўравон, ўғрига нисбатан нафратини ошқор қилмаслиги, шунингдек қандай мақсад ва сабаблар бўлмасин қўрқитиш, қўполлик ишлатмаслиги зарур.⁷

Прокурор жамият манфаатларини ҳимоя қилади, давлат номидан сўзлайди, шу билан бирга судланувчининг қонуний манфаатларини, қадрини ҳимоя қилиши лозим бўлади. Прокурор «ўзининг масъулиятли бурчини бажарар экан, жамиятга хизмат қилади. Бу хизмат, қачонки унга қатъий ахлоқийлик сингдирилса, жамият ва инсон қадри қанчалик ҳимоя қилинса, шунчалик самарали бўлади.⁸

⁷ Ратинов А., Зархин Ю. Следственная этика//Социалистическая законность, 1970 №10.с.35-40

⁸ Кокорев Л.Д., Котов Д.П. Этика уголовного процесса. Учебное пособие. Воронеж, 1993. с.46
Кони А. Собр.соч. Т.И. С. 62-63

Прокурорнинг ҳуқуқий ва ахлоқий мажбурияти объектив ва холис бўлишни талаб этади. Ўз нутқида айбланувчига нисбатан қўполлик қилиши, устидан кулиши, ташқи кўриниши, миллати, жисмоний камчиликларига тил теккизиши ҳолларига йўл қўймаслиги лозим бўлади.

Прокурор айбланувчини тавсифлар экан, унга нисбатан айбсизлик презумпцияси мавжудлигини ёдда тутиш талаб этилади.

Судьяларга, агар айбланувчини оқласа ёки енгилроқ жазо белгиласа, оқибатлари ёмон бўлиши мумкинлигини айтиб, тазйик ўтказиши ҳам ахлоқий нормаларга тўғри келмайди,

Барча айтганларимизга асосланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига қўйиладиган ахлоқий талабларни санаб ўтсак бўлади:

- инсонга нисбатан энг олий кадрият деб қараш, халқаро ва давлат ҳуқуқий нормалари ва умуминсоний ахлоқ принципларига мос равишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш;

- ўз касбининг ва юқори профессионализмнинг ижтимоий аҳамиятини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ходими сифатида узининг жамият ва давлат олдидаги масъулиятини тушуниш талаб этилади, чунки улар фаолиятдан ижтимоий хавфсизлик, одамларнинг ҳаёти, соғлиги ҳуқуқий муҳофазаланганлиги белгилайди;

- ижтимоий адолат, фуқаролик бурчи, касбий ва ахлоқий бурч принципларига қатъий амал қилган ҳолда қонунда белгиланган ҳуқуқлардан оқилона ва инсонпарварлик йўлида фойдаланиш;

-қарор қабул қилишда принципаллик, жасурлик, жиноятчилик билан курашда қатъийлик, холислик;

- хизматда ва турмушда шахсий хулқ-атворнинг тозалиги, ҳалоллик, касбий шаъни ҳақида қайғуриш;

-онгли интизом, ташаббускорлик, профессионал бирдамлик, ўзаро ёрдам, довюраллик, мураккаб вазиятларда хатти-ҳаракатларга ахлоқий-руҳий тайёргарлик, экстремал вазиятларда тўғри хулоса чиқариш;

-касб этикаси, этикет ва такт соҳаларида билими ва касбий малакасини такомиллаштариб бориш; умумий маданиятни ошириш, интеллектуал савиясини кенгайтириш, хизмат фаолиятида зарур бўлган халқаро ва миллий тажрибани ўзлаштириш

Демак, юридик этика фан сифатида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг инсонпарварлик асосларини очиқ бериш ва тарғиб қилиш билан бирга, қонунчилик ривожланиши ва қонунларни тўғри қўлланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Таянч тушунчалар: Этика категориялари, яхшилик, ёмонлик, адолат, бурч, виждон, шаън, ор-номус, бахт, инсоф, ҳалол, ҳаром.

Ахлоқий маданият, муомала одоби, этикет, касб одоби, юридик этика, процессуал нормалар, ахлоқий нормалар.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. “Адолат – қонун устуворлигида”, “Халқ сўзи” газетаси, 2001 йил 30 август.
2. Шер А. “Ахлоқшунослик”. Т.: 2000.
3. “Этика”. Под.ред. А.А. Гусейнова и Е.Л. Дубко. – М.: 1999
4. Кобликов А.С. “Юридическая этика”. – М.: 2003.
5. Кондрашов В.А., Чичина Е.А. Этика. Эстетика. Учебное пособие для ВУЗов. Ростов на Дону, 1998.
6. Вохидова Д., Носирхўжаева Г. “Этика” – Т., ТДЮИ – 2003.
7. Ахлоқ ва одобга оид ҳадис наъмуналари. Т. «Фан», 1990.
8. Носирхўжаева Г. Этика. Эстетика. Т.: ТДЮИ, 2006

WEB ресурслар.

1. www.public.ru
2. www.subscribe.ru
3. <http://ethics.narod.ru>
4. <http://humanities.edu.ru/db/sect/144/20/298>
5. www.psy.piter.com
6. www.countries.ru
7. www.azps.ru

